

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори



Г.Ш.Рихсиева

16 февраль 2024й

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Мирзо
Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 33-уй манзилидаги ТТЖ
худудида қуриладиган 6 қаватли, 400 ўринга мўлжалланган
ётоқхона биносини қурилишида техник назорат олиб бориш учун

**ТЕХНИК
ТОПШИРИҚ**

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 33-уй манзилидаги ТТЖ ҳудудида қуриладиган 6 қаватли 400 ўринга мўлжалланган Ётоқхона биносини қурилишида техник назорат хизматини олиб бориш функциясини амалга ошириш;

1. Техник назорат ишларини амалга ошириш учун қўйиладиган талаблар:

1. Ваколатли ташкилот (*жисмоний шахс*) камида 7 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.
2. Архитектура шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш учун лизенцияга эга бўлиши лозим.
3. Қурилиш лойihalарини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни акредитациядан ўтказилганлиги тўғрисида Гувоҳномага эга бўлиши шарт.
4. Банк ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (*охирги 2 йиллик*)
5. Худди шундай хизмат турларини бажараётганлиги ёки бажарганлиги тўғрисида маълумот ва шартномалар нусхаларини тақдим этиш зарур.
6. Ташкилотнинг мутахассис ходимлар рўйхати.
7. Техник назорати ваколатли ташкилот томонидан қурилиш ишлари бутун даври давомида амалга оширилади.
8. Техник назорат ваколатли ташкилотда доимий фаолият олиб боровчи (ёки шартнома асосида жалб қилинган) ва ташкилот раҳбари буйруғи билан қурилиш объектига бириктирилган, сертификат олган мутахассис томонидан амалга оширилади.

Техник назоратни олиб боришга дипломи бўйича шаҳарсозлик фаолияти соҳасида олий маълумотли мутахассисликка эга бўлган ва камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган, сертификат олган мутахассис тайинланади.

2. Техник назорат бўйича мутахассис мажбуриятлари:

2.1. Тасдиқланган лойиҳа — смета ҳужжатларини, муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш, улардан фойдаланиш ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни пудрат ташкилотига топширилишини таъминлаш;

2.2. пудратчи ташкилотларга электр узатиш ҳаво тармоқлари, алоқа тармоқлари зонасида, темир йўл учун ажратилган минтақада, қурилиш майдончасидаги ер ости ва усти коммуникациялари ўтган жойларда ишларни бажариш учун рухсатномаларни топшириш;

2.3. пудратчи ташкилотларга қурилиш даврида қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ мавжуд электр энергияси манбаларидан, табиий газ, ичимлик сув, иссиқликдан фойдаланиш учун рухсатномалар топшириш;

2.4. қурилиш объектидаги қурилмалар ва мавжуд коммуникацияларни кўчиришга доир юридик ва техник ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва қурилиш ташкилотига топширишда иштирок этиш;

2.5. қурилиши тугалланган объектлар бўйича зарур ҳужжатларни пудратчи ташкилот билан биргаликда умумлаштириш ва уларни давлат қабул комиссиясига тақдим этиш;

2.6. қурилиши тугалланган объектлар бўйича барча ижро ҳужжатларини ўрнатилган тартибда фойдаланувчи ташкилотларга топширишни ташкил этиш.

3. Техник назорат бўйича мутахассис ваколатлари:

3.1. қурилиш жараёнида геодезия ишларини назорат қилиш;

3.2. лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, тасдиқлаш ва қайта тасдиқлашни, шунингдек, экспертиза хулосаси ва пудратчи ташкилотларнинг таклифлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритишни ташкил этишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

3.3. қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ечимларида конструкциялар, ускуналар, материаллар ва ўрнатиладиган жиҳозларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, стандартлар, техник шартлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш;

3.4. иншоотлар асосий ўқларининг жойида геодезик тўғри белгиланганлиги, улар реперлар ва координаталар билан маҳкамланганлигини назорат қилиш;

3.5. қурилишда фойдаланиладиган конструкциялар, ускуналар ва материалларни (техник паспортлар, сертификатлар, лаборатория синовлари натижалари ва бошқалар) сифат гувоҳномаси ҳужжатлари мавжудлигини текшириш;

3.6. стандартлар талабларига, техник шартлар, сертификатларга мос келмайдиган материаллар, конструкциялар, буюмлар ва ускуналарни нуқсон далолатномалари билан расмийлаштириш ва уларнинг объектда ишлатилишини тақиқлаш;

3.7. пудратчи ташкилотлар томонидан қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни ташиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, ташиш қоидаларининг бузилишини, материаллар ва буюмлар бузилиши ва сифатининг пасайишига олиб келадиган тарзда сақланишини тақиқлаш;

3.8. пудратчи ташкилотларнинг масъул мутахассислари билан бажарилган ишлар ва конструктив элементлар сифати ва ҳажми, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ишлар кетма-кетлигини, ёпиқ ишлар далолатномаси расмийлаштирилгунга қадар келгуси ишларни олиб боришни тақиқлаш талаблари бажарилганлигини кўриқдан ўтказиш ва баҳолаш;

3.9. объектлар тайёрлигига қараб, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар вакиллари иштирокида бино ва иншоотлар конструкциялари, кўприклар таянч устунлари ва оралик қурилмалари, ҳажмли иншоотлар, кўтариб турувчи металл ва темир бетон конструкциялар ва бошқаларни масъулларнинг оралик қабул қилишларини текшириш;

3.10. олиб келинган ускуналарнинг ўрнатилишини ташкил этиш, ўрнатиш сифатини баҳолаш, комплекс синаб кўриш ва қабул қилишнинг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини ва ҳолатини текшириш;

3.11. қабул қилинган ва тўлови амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, пудратчи ташкилотлар томонидан сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ва нуқсонларни бартараф этиш ва қайта ишлов бериш ишлари ҳажми ва қиймати ҳисобини юритиш;

3.12. бирламчи ижро техник ҳужжатларни, уларга қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда аниқланган камчиликлар ва нуқсонлардан келиб чиқиб киритилган ўзгартиришлар мавжудлиги ва тўғри юритилишини назорат қилиш;

3.13. бирламчи ижро ҳужжатларининг (жумладан, умумий ва махсус иш журналлари, монтаж қилинган конструкциялар ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ижро схемалари) мавжудлиги ва уларнинг пудратчи ташкилот томонидан тўғри юритилишини назорат қилиш, иш журналларига сифатсиз бажарилган конструктив элементлар ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш технологияларининг бузилиши тўғрисида йўл қўйилган нуқсонлар бартараф этилишини талаб қилган ҳолда қайд этиб бориш;

3.14. алоҳида конструкциялар ва узеллар, қурилиш-монтаж ишлари турларини, жиҳоз ва механизмлар сифатини уларни қабул қилиш жараёнида ишчи комиссиялар билан бирга текшириш;

3.15. ўз ваколати доирасида мусодара қилинадиган объектлар, бино ва иншоотларни кўриқдан ўтказиш, бино ва иншоотлар қурилишини вақтинча тўхтатиб туриш ёки мусодара қилишга ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, пудратчи ташкилотларга ишларни давом эттириш учун қайта топшириш жараёнида объектлар ҳолатини баҳолаш;

3.16. ваколатли органлар томонидан объектларда ўтказиладиган текшириш ва назорат тадбирларида иштирок этиш;

3.17. қурилиш объектларида барча шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, авария ҳолатлари ва аварияларни бартараф этиш ишлари натижалари тўғрисида қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясига хабар бериш;

3.18. бино ва иншоотларнинг конструкциялари ишончлилигига ва зилзилабардошлилигига таъсир кўрсатувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи ҳолатлар аниқланганда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясини бу ҳақда хабардор қилиш;

3.19. объектларда қурилиш-монтаж ишлари сифатининг мунтазам техник назоратини олиб бориш;

3.20. қурилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан пудратчи ташкилотларга ва лойиҳачи ташкилотларнинг муаллифлик назорати мутахассисларига ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

4. Техник назорат бўйича мутахассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1. объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотлар томонидан камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ва бу каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан пудратчи ташкилотнинг ички назорати ташкил этилганлигини, ички назорат бўйича мутахассисга белгиланган тартибда сертификат берилганлигини текшириш;

4.2. пудратчи ташкилотдан қурилиш ишларининг қатъий лойиҳа бўйича ва материалларга қўйиладиган меъёрий талаблар ва ишлар технологиясига мувофиқ бажарилишини талаб қилиш;

4.3. иш журналларига ва бошқа ижро ҳужжатларга аниқланган лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиқиш ҳолатларини қайд этиш;

4.4. зарур ҳолларда камчиликлар бартараф этилгунга қадар қурилиш ишларини вақтинча тўхтатиб қўйиш;

4.5. лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиққан ҳолда бажарилган ишларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолашдан бош тортиш;

4.6. қурилиш-монтаж ишлари ижрочилари техник назорат талабларидан норози бўлган ҳолларда, пудратчи ташкилот ва буюртмачининг юқори ташкилотларига белгиланган тартибда шикоят билан мурожаат қилиш.

Техник назорат бўйича мутахассиснинг асосий иш жойи бўйича назорати остидаги объектлар қурилишини бажараётган ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади.

Объектлар қурилиш ишлари бўйича техник назорат олиб бориш учун масъул мутахассисларга иш тажрибаси, уларга бириктирилган объектлар сифатли ва муддатида топширилганлиги, қурилиш жараёнида бартараф этилган хато ва камчиликлар, соҳавий малакаси ва бошқа мезонлар асосида Қурилиш вазирлиги томонидан малака тоифаси

белгиланади ва буюртмачи хизмати томонидан уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда тоифага қараб ўсиб боровчи рағбатлантирувчи коэффициент қўлланилади.

Техник назорат бўйича мутахассислар уч йилда камида бир мартаба Қурилиш вазирлиги томонидан шаҳарсозлик фаолияти соҳасида малака ошириш курсларида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, билимлари текширилиши ва тегишли гувоҳнома берилиши шарт.


Техник назорат белгиланган тартибда таъминламаганлиги учун тегишли равишда ваколатли ташкилот раҳбари амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

Ушбу Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги ёки бажармаганлиги учун техник назорат ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида содир этилган ҳуқуқбузарликлари учун техник назорат ходимлари амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар бўлади.


Тайёрлади:

Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор



Ш.Мирзиётов

ТДШУ бош муҳандиси



Р.Курбанов

ТТЖ мудир



С.Турсунов


Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Мирзо Улуғбек тумани,
Зиёлилар кўчаси, 33-уй манзилидаги ТТЖ ҳудудида қуриладиган 6 қаватли
400 ўринга мўлжалланган ётоқхона биносини қурилишида техник назорат
хизматини олиб бориш функциясини амалга ошириш бўйича

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

№	Асосий маълумотлар ва талаблар	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	Хизмат кўрсатиладиган манзил	Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани Зиёлилар кўчаси, 33-уй
2	Хизмат кўрсатишни амалга ошириш асослари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2021 йилдаги 563-сонли қарорига мувофиқ ДХШ асосида 2024-йил мобайнида 400 ўринлик 1 та ТТЖ биноси қурилиши ишлари яқунланиб, бино фойдаланишга топширилишига қадар техник назорат хизматини олиб бориш
3	Қурилиш тури	Янги қурилиш
4	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари ҳисобидан
5	Молиялаштириш	Шартномага асосан олдиндан 30% аванс тўлови
6	Хизмат кўрсатиш суммаси	20 000 000 (йигирма миллион) сўм, ҚҚС билан
7	Асосий иш ҳажмлари	<p>Техник назорат хизмати ишларини амалга ошириш куйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none">- Тасдиқланган лойиҳа — смета ҳужжатларини, муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш, улардан фойдаланиш ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни пудрат ташкилотига топширилишини таъминлаш;- пудратчи ташкилотларга электр узатиш ҳаво тармоқлари, алоқа тармоқлари зонасида, темир йўл учун ажратилган минтақада, қурилиш майдончасидаги ер ости ва усти коммуникациялари ўтган жойларда ишларни бажариш учун рухсатномаларни топшириш;- пудратчи ташкилотларга қурилиш даврида қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ мавжуд электр энергияси манбаларидан, табиий газ, ичимлик сув, иссиқликдан фойдаланиш учун рухсатномалар топшириш;- қурилиш объектидаги қурилмалар ва мавжуд коммуникацияларни кўчиришга доир юридик ва техник ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва қурилиш ташкилотига топширишда иштирок этиш;- қурилиши тугалланган объектлар бўйича зарур ҳужжатларни пудратчи ташкилот билан биргаликда умумлаштириш ва уларни давлат қабул комиссиясига тақдим этиш;- қурилиши тугалланган объектлар бўйича барча ижро ҳужжатларини ўрнатилган тартибда фойдаланувчи ташкилотларга топширишни ташкил этиш.

8	Техник назорат ишларини амалга ошириш учун қўйиладиган талаблар	<p>Ваколатли ташкилот ёки жисмоний шахс камида 7 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Банк ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (юримдик ташкилот учун) <i>(охирги 2 йиллик)</i> 2. Худди шундай хизмат турларини бажараётганлиги ёки бажарганлиги тўғрисида маълумот ва шартномалар нусхаларини тақдим этиш зарур. 3. Ташкилотнинг мутахассис ходимлари рўйхати (юримдик ташкилот учун) 4. Техник назорати ваколатли ташкилот (жисмоний шахс) томонидан қурилиш ишлари бутун даври давомида амалга оширилади. 5. Техник назорат ваколатли ташкилотда доимий фаолият олиб борувчи (ёки шартнома асосида жалб қилинган) ва ташкилот раҳбари буйруғи билан қурилиш объектига бириктирилади. 6. Техник назоратни олиб боришга дипломи бўйича шахарсозлик (қурилиш) фаолияти соҳасида олий маълумотли мутахассисликка эга бўлган ва камида етти йиллик иш тажрибасига эга бўлган мутахассис тайинланади.
---	---	---

Молия-иқтисод ишлари
бўйича проректор

 Ш.Мирзиятов

Бош аудитор

 С.Суёнов

Бош муҳандис

 Р.Курбанов